

ЁШЛАРНИНГ СУБМАДАНИЯТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Абдирашид Мамасидикович Мирзахмедов

Наманган мухандислик-технология институти

“Ижтимоий фанлар” кафедрасининг профессори

E-mail Sotsial.nauki@gmail.com

Аннотация. Мақола жамиятнинг глобал ахборотлашуви шароитида анъанавийликдан замонавийликка ўтиш жараёнида маданий трансформация, ёшларнинг янги норасмий ижтимоий ҳаракатларини қадриятлашувига бағишланган. Шу маънода “субмаданият” атамасининг мазмун-моҳияти, миллий маданий тарққиёт тенденцияларига таъсирини сиёсий-маданий жиҳатлари тадқиқ этилади. Ёшларнинг субмаданияти янги ижтимоий оммавийлик сифатида тарихий шаклланган бой маънавий маданий меросга муносабатни шакллантиришга эҳтиёж мақсадининг таҳлилридир. Чунки, ҳар бир миллат миллийлик билан замонавий цивилизацияда ўз ўрнини сақлаб қолиши мумкин.

Калит сўзлар: Техноген цивилизация ва ахборот, анъанавий ва либерал маданият, ёшларнинг “субмаданият”и, миллий идентификация.

СУБКУЛЬТУРА МОЛОДЕЖИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Аннотация. В статье анализируется культура и духовность в контексте с молодежной субкультуры, те есть сущность и содержание неформальной культуры молодежи, влияние её на тенденции развития национальной культуры. В становлении молодежной культуры изучены новые ценности и нормы взаимовлияния общечеловеческой и национальной культуры. В этой связи национальная культура полагает нравственное просвещение молодежи в духе воспитания многовековой духовно-культурного наследия узбекского народа. Каждая нация может сохранить свое национальное своей этнической идентификацией.

Ключевые слова: Культура и духовность, общечеловеческая и национальная культура, культура и «субкультура» молодежи, воспитание культуры молодежи в социальной жизни.

YOUTH SUBCULTURE: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Annotation: The article analyzes the culture and spirituality in the context of youth culture, those are the essence and content of the informal culture of youth and its influence on the development trends of national culture. In the formation of youth culture, new values and norms of the mutual influence of universal and national culture

have been studied. In this regard, the national culture considers moral education of youth in the spirit of educating the centuries-old spiritual and cultural heritage of the Uzbek people.

Key words: Culture and spirituality, universal and national culture, culture and "subculture" of youth, education of youth culture in social life.

Кириш. Муаммонинг долзарблиги. Замонавий жамиятнинг энг муҳим жиҳати техноген цивилизация бўлиб, унда ахборотнинг глобаллиги муҳим хусусиятидир. Илмий адабиётларда техниген цивилизацияга илм-фан, техниканинг ютуқларини жамият ҳаётига беқиёс даражада кириб келиши инсон ҳаётини фаровонлашуви маданияти сифатида баҳолансада, лекин у давлат, жамият ва шахс ҳаётини одатдагидан бир неча баробар ўсиши ва тезлашувини англатади. Бу жараённинг глобал характери дунёнинг барча қитъаларида башариятнинг анъанавий турмуш тарзининг модернизацияси, янги одат, анъана, қарашлар ва ғоялар, ҳатто биофизиологик кайфиятларнинг оммалашуви билан характерланади. Техноген цивилизация ўз моҳиятига кўра кишилиқ маданиятининг энг юқори чўққиси, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ўткирлашуви, дунё миқёсида сиёсий рақобат совуқ урушни “исиб кетиши” билан изоҳланади. Натижада, дунё халқлари глобал ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга бўлиниши туфайли молиявий маблағ, мол-мулклар марказлашиб, марказлашмаган қисм иқтисодий танг ахволга тушади. Шу маънода глобаллашган ахборот технологияси “билимлар жамияти” бўлиб, аҳолиси билимсиз бўлган давлатлар ҳом ашё ва арзон ишчи кучи манбаига табиий равишда айланади. Шу маънода цивилизациялашган давлатлар ўзга давлатларни ўз таъсирида ушлаб туриш учун ғоявий мафкуравий ишлаб чиқаришни индустриал даражада шакллантириб, ёшларни маънавий-ахлоқий инқирозини сунъий ҳосил қилиш учун ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқади. Биз фикримизни аналогик илмий қарашлар билан далиллаймиз [5, 48 б; 10]. Шу боисдан ёшларнинг субмаданияти минтақа ёшларига мўлжалланган маънавий-ғоявий таҳдид бўлиб, у жамиятнинг энг муқаддас қадриятларини ижтимоий вайрон этиш билан миллат ёшларни ўзлигидан мосуво этиб, турли туман бегона маданиятлар билан хасталантиради. Масаланинг яна бир ижтимоий зарурати миллий қадрият ва анъаналарга ёшларнинг садоқати билан миллий бой маданий меросни келгуси авлодга ўтказиш ворисийликни таъминлаш ҳозирги авлоднинг миллий вазифасидир [6, 33 б; 8].

Илмий адабиётларда “субмаданият” деганда анъанавий маданиятдан ажралиб чиққан ёшларнинг янги ўз маданий тимсол, белги ва хусусиятлари билан ижтимоий маданиятни ислоҳ қилишдир. Техноген цивилизация шароитида ёшларнинг замоавий турмуш тарзига танқидий қараши, катта авлод

билан ёш авлоднинг ижтимоий анъанавий ҳамкорлигидаги алоқадорликни узилиши билан турли туман уюшма ва бирлашмаларда ёшларнинг ўз маънавий эҳтиёжларини қондириши билан боғлиқ ёшларнинг ҳаракати деб баҳолаш мумкин. Биз “Оммавий маданият”нинг ахборотлашган рақамли жамиятдаги трансформацияси ёшларнинг “субмаданияти”да шартли равишда уч йўналишга бўлиш мумкин: биринчиси, ёшларнинг замонавий ахборот тизимига тез ва қулай мослашувининг маданий намоён бўлиши, иккинчидан, миллий маънавий анъана ва қадриятларни ёшларга тарғиботининг сусайиши туфайли маданий ворисийликнинг издан чиқиши, ёшларнинг замонавий эҳтиёжларини катта авлоднинг қондиrolмаслиги, яъни тарбия “жиловини” бегоналарга бериб қўйишидир, учинчидан, миллий педагогиканинг замондан ортда қолиши, фалсафий тарбияга ўтолмаганлигидир. Суб маданиятларнинг ижтимоий бирлик сифатида сиёсий лидерларнинг фаолиятига боғлиқлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Чунки, улар турли туман янги ғоя ва технологияларни жозибали шаклда ёшларга етказиш имкониятларига ҳам эгадир [12]. Бу ҳол ёшларнинг ахлоқий маърифатини таълим ва тарбия уйғунлигида амалга ошириш заруриятини тасдиқлайди.

Ёшларнинг “субмаданияти”нинг ижтимоий таҳлилида ёшларнинг орасида ҳорижий давлатлар ёшларига хос муаммоларни тарбиявий қуроли кейинги йилларда Европадан “Флеш-моб”, “Хиппи”, “Старизм”, “Китч”, “Вандал”, “Грифит” каби шаклларда ёшларнинг миллий турмуш тарзига кириб келмоқда. Шу боис кейинги йилларда кенг тарқалаётган кадробер ёшларнинг субмаданияти сифатида шаклланиши масалани ижтимоий таҳлилни талаб этади.

Методлар ва ўрганилиш даражаси. Ёшларнинг субмаданияти ижтимоий фанларда олимлар томонидан фаол тадқиқ этилсада, унинг бир қатор оммавийлашув жиҳат ва таҳдидлари юзасидан илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Бу ҳол муаммони тарбия фалсафаси контекстида талқин этиш, ижтимоий-маданий ёндашув методини қўллашни табиий равишда тақозо этади. Биз масалани социологик тадқиқотида маданиятларнинг узлуксизлигидаги узилиш контекстида инкорни инкор диалектикаси доирасида тараққиёт тенденцияларини тартибга солиш механизмларини аниқлаш мумкинлиги ҳақидаги фикрларга қўшиламыз [8, 114 б]. Маданиятшунослик методлари доирасида ёшларнинг субмаданиятини тадқиқида маъмурий-буйруқбозлик, жазолаш каби методлар муаммони ечимида кутилган натижаларни бермайди. Шу маънода ёшларнинг илм-фан чўққиларини эгаллаши учун барча имкониятларни яратиш, ижодкор устоз ва ёшларнинг маърифатпарварлик жамоаларини уларга қарши муқобил ёшларнинг миллий ўзликни англаш концепцияси ёшларнинг баркамоллигини таъминловчи омил ва усул деб

ҳисоблаймиз [14, 45 б]. Квадроберларнинг суб маданиятида ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, табиатга муносабати, ижтимоий воқеликда ўзини ўзгача тасаввур этиш билан куч ғайратини намойишида ўзини бошқалардан ўзгачаликка интилишдир. Илмий жиҳатдан квадробика ёки квадробинг атамаларида кенг қўлланилади.

Тадқиқот натижалари. Техноген жамиятда ахборот технология коммуникацияларининг беқиёс ўсиши маданиятда “субмаданият”ларнинг ижтимоий трансформациясига қонуний равишда олиб келади. Бу ҳол маданиятда тарихий жараёнларнинг янгиланши, маданиятларнинг миллийликдан умуминсонийликка генерацияси, этноконфессионал қадриятларда янги жиҳат ва хусусиятлар, “янги динлар”, ноанъанавий маданий уюшмаларнинг норасмий шакллари тарқалишига олиб келади. Шу маънода миллий коммуникацияда жиддий ўзгаришлар ўзига хос кураш, ижтимоий янгиликларга психологик мослашув, ҳиссиётли ижодкор ёшларнинг ҳаёт мазмуни, ўзликни англашга интилиши, маънавий қадриятлар ранг-баранглиги билан суб маданий ўзликни тасдиқлаш, намойиш этишга интилиш, деб тушуниш мумкин. Ёшларнинг маънавий ахлоқи миллий анъана ва қадриятлар асосида тарбиялашга эҳтиёжнинг ижтимоий кўрсаткичидир.

Квадробиканинг ёшлар орасида кенг тарқалишига ёшларнинг уй ҳайвонларидан ит ва мушукка бўлган меҳрли муносабати, саноат шаклида ит ва мушукларнинг ниқоби, муйнали “либоси” ёшларга мўлжалланган кийимларнинг ишлаб чиқилиши, рекламанинг ўта моҳирона намойиши болаларни ўзига тез жалб этиши билан оммалашиб кетди.

Илмий адабиётларда “субкультура”даги “суб” олд қўшимчаси маданиятнинг таркибий қисми, бутуннинг тизимга кирувчи алоҳида маданий тармоғини ифодалайди. Шу маънода “субмаданият” таржимаси мутлак аниқликни ифодаламай, миллий маданиятдаги ёшларнинг маданий ўзига хослигини акс эттирган ижтимоий-сиёсий ҳаракатда ўз ҳаётига янги мазмун, ўзини англаш учун жамоавий интилиш деб ҳисоблаш мумкин. Илмий адабиётларда рус олимлари ёшларнинг “суб маданияти”га “норасмий” сиёсий ҳаракат маданиятдаги сепаратизм, ёшларнинг ноанъанавийлик ахлоқи “неформал” мазмунида қўллашга имкон беради [3, 12 б]. Бу ёндашувда ёшларнинг қонуний ижтимоий ҳаракатига муқобил норасмий ҳаракат ва бирлашма, яъни фуқаролик жамияти институтлари сифатида ёшларнинг ижтимоий алоҳида фаол гуруҳи сиёсий кузатилмоқда. АҚШ жамиятда ўзига хос ёшлар қатлами субмаданияти юзасидан тадқиқолтчи олим Т. Раззак катта ва ёш авлод маданиятида бўлинишни “субкультура” атамасида илмий муомалага киритган.

Ғарбий Европа илмий адабиётларида “субмаданият” атамаси ёшларнинг техноген цивилизация ютуқларига муносабати анъанавий жамиятдан янги жамиятга ўтишга интилиш, янгиланишнинг қиёфасини яратишга, янги ноанъанавий қадриятларга таянган турмуш тарзининг маънавий эҳтиёжларини “модерн” талабларидаги уриниш, деб ҳам тушуниш мумкин. Зеро, ёшлар “суб ҳаёти”да “оммавий маданият” ғоялари, ижтимоий борлиққа енгил-елпи қараш, машҳурликка интилиш, худбинлик элементлари, айниқса қизлар орасида намоёйишкороналик урф бўлиши билан изоҳланади.

Субмаданият ёшларнинг замонавийлашуви асосида катта авлоднинг ортда қолиши, аслида ёшлар ва катталарнинг ижтимоий воқеликка қарашларидаги зиддиятларни ифодасидир. Бу зиддиятнинг негизида “катта авлод”нинг замонавий илм-фан, техника ютуқлари тараққиётини кузатиб боришда ортда қолиши, айна вақтда ёшларнинг замонавий техникага ҳамқадамлиги, ахборотни тезкорлик билан қабул қилиши, технология ва қурилмалардан моҳирона фойдаланишида ўз ифодасини топади. Биз ёшларнинг маданиятига И. В. Власюк, Е. Н. Ситниковаларнинг ижтимоийлашув даврини жиддий чўзилиши (кўп ҳолларда 30 ёшгача), уларнинг физиологик балоғатига ҳам таъсир этиб, замонавий касбий таълим ва тарбия даврини ўзгаришига олиб келиши ҳақидаги фикрини қўллаб қувватлаймиз. Олимлар бугун ўсмирнинг психофизиологик ривожидан болаликдан эрта узилсада, лекин ўзининг ижтимоий мақомида “катталар” тоифасига узоқ вақт ўтолмаслигини аниқлаганлар [2, б. 57].

Ёшларнинг модерн маданияти Ғарбда юз йил аввал вужудга келган ижтимоий воқеликни янги тартибда ислоҳи билан ҳаётдан жиддий фарқланишда изоҳланади. Биз С. Эйзеншадтнинг ёндашуви билан тадқиқотимизга янги вазиятда ёш авлоднинг катта авлод ҳаётий тажрибасидан жиддий фарқланиши, ёшларнинг ҳаётий мақсад ва мўлжаллари, кайфиятидаги ўзгаришлар, ҳаёт мазмуни ва ютуқлар ҳақидаги тасаввурларида ифодаланиши ҳақидаги фикрлари билан тасдиқлаймиз. Эски маданият ўзининг яхлитлигини йўқотиб, янги ҳаёт бўлаги сифатида “ўтмишдан эсдалик. Янги ҳаёт тартибини қанча кўп ўзида ифода эта олганларгина танланган (эталлон) гуруҳ бўлиб қолади” [14, б. 300]. Масаланинг моҳияти ёшларнинг ижтимоий алоҳида гуруҳланиши билан бирга жамиятнинг янги қатлам стратаси ҳақида ҳам бормоқда.

Биз ёшларнинг “ноформал” маданияти намуналарини турли халқ ва миллатларда ўзига хос минтақавий ва ҳудудий жиҳатларга эга эканлигини, асосан “субмаданият” урбанистик хусусиятли эканлигини аниқлашга эришдик.

Ёшларнинг таълим маърифати ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётдаги либераллашув сиёсати билан бевосита боғлиқ эканлиги, аввалги давр ижтимоий ҳолатидан ёшларнинг ўзига хос ижтимоий “реванши” деб ҳам тушуниш мумкин. Чунки бугунги ахборот маконидаги маълумотларнинг беқиёс улкан оқимида

ёшлар ўзларининг “МЕН”ини излаб, турли гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши ҳам кузатилмоқда. Ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгариш инсон манфаатларининг устуворлигини реал таъминланиши, ахборот маконидаги эркинликлар, ёшларнинг ҳаракатчанлигини ўсиши ҳам янгиликка интилиш, эскиликдан узилиш туйғусини ҳосил этмоқда. Энг муҳим жиҳат ёшларда бахт-саодатга ота-оналарнинг ёрдамида енгил эришишга интилиш, иззатталаблик иллатларида намоён бўлмоқда. Аналогик ҳолатнинг ўзгачалиги рус олимлари томонидан ўсмирлар томонидан ижтимоий танлов имконияти билан бирга масъулиятни ўз зиммасига олиш эҳтиёжи, унда таълим ва оиланинг жиддий ҳамкорлигига эҳтиёж ўсмирларнинг турли тахдид остида асабийлик руҳий ҳолати (стресс) муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада ўсмирлар бошқарилмайдиган бўлиб қолиши, безовталиқнинг юқорилиги туфайли янги муҳитга ўтишда виртуал норасмий гуруҳлашув, уларда ўз кўнгил эҳтиёжини қондиришда кўринади [2, с. 71]. Мазкур масала республикамиз пойтахтида ёшларнинг “вандаллик” хатти-ҳаракатлари билан юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Биз ёшларнинг “субмаданияти” хусусидаги фикр-мулоҳазаларнинг муайян қисми жиддий баҳсларга сабаб бўлишини ҳам инкор этолмаймиз. Чунки, ёшларнинг маданияти ўз моҳиятига кўра жамиятнинг базавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ажралиб чиқса-да, минтақа халқлари этноконфессионал анъаналарига зидлиги, қадриятларни қадрсизлантиришга олиб келиши, айниқса таълим ва тарбия соҳасида муаммолар туғдириши билан ёшларни фаол тарбиясига эҳтиёжининг аломатидир, деб ҳисоблаймиз. Миллий маданиятда ёшларнинг бўлиниши ижтимоий турмуш тарзи ва намуналарига ёшларнинг енгил елпи турмуши ахлоқий ижтимоий зиддиятга олиб келиши мумкин.

Ёшлар орасида ахборот тахдидларининг ўсиши ахборот тизимидаги маънавий ахлоқий тарбиянинг издан чиқиши телеканалларнинг хусусийлашуви ва тижоратлашуви билан ҳам боғлиқдир. Республика телеканаллари миллий маданий маъно мазмундан батамом бегоналашиб, пул-мол, мулк ишлашнинг янги бизнесига айланди. Бизнинг социологик сўровларимиз республика телеканалларида реклама қиморлашуви, турли туман артистларнинг чўнтагини “борига барака”си, “Омад шоу”си ёшларнинг маънавий эътиқод ва ишончига жиддий зарар етказмоқда. Ўзбек миллий маданиятида қиморнинг ҳар қандай шакли ҳаром қилинганини далиллашга эҳтиёж йўқдир [5, 37]. Шу билан бирга республика телеканалларида юксак савияли мутахассислар ўрнига ахборот майдонида тажрибасиз блоггерларнинг “Очиқчасига гаплашиш”и ҳам “Тик-ток”ни тарқалишига сабаб бўлди, деб ҳисоблаймиз.

Хулосалар. Шарқ халқлари оилавий турмушида шахснинг фуқаролик позицияси қатъий оилавий тартиб ва одатлар остида шаклланиши, миллий-динийликда ўзини англаши билан ижтимоий феъл-атвор ва қадриятларга соғлом муносабатнинг ворисийлигига замин қўйган. Шу боис минтақа халқларининг жаҳон ҳамжамиятига кириши глобал ахборот маданияти маконида оммавийлик таъсирига туширди. Ёшлар ҳаётида Интернет ахборотлашуви, мобил алоқаларнинг тўла таъминоти, айниқса мустақил тараққиёт шароитида ижтимоий мўлжал ва қадриятлар тизимида назорат, миллий ғоя тарғиботи ва тарбиядаги нуқсонлар ҳам масалани янада ойдинлаштиради. Чунки бозор муносабатларига ўтиш, таълим ва тарбия тизимида бўшлиқлар ҳам ёшларни ноанъанавий маданиятини детерминантидир. Тажриба ота-оналарнинг бозор муносабатлари шароитида фарзанд тарбиясидан “бегоналашув” ҳолатини ҳам тарбиядаги бўшлиқлар “оила тарбиясининг сўниши” ҳолатини тажриба тасдиқлади. Уларнинг тadbиркорлик бандлиги, фарзанднинг моддий таъминоти билан тарбияни таълимга ташлаб қўйиш ҳолати социологик сўровларда аниқланди.

Ёшларда соғлом маданий тарбияда “макро” оиладан нуклеар оилага ўтиш, ёш ота-оналарнинг ўзи тарбияга муҳтожлиги, уларнинг тарбиясидаги муҳим ўзгариш ва қадриятларга эҳтиёж туғдиради деган хулосани ёқлаш мумкин. Оилавий тарбиянинг қадрсизланиши, ёшларнинг кўча тарбияси, таълимнинг ночорлиги ўсмирни мобил алоқалардан Интернет тизимига кириш имкониятлари ҳорижий ғоявий ғоялар, ахлоқий таназзулнинг ўзига хос “Тик-ток”и катта авлодни ёшлар томонидан “ижтимоий инкори” деб ҳисоблаш мумкин.

Давлат, жамият ва шахс муносабатларида қонунийлик ва ҳуқуқий маданиятга жиддий эҳтиёжни ортиб бориши, айниқса ёшлар ОАВ билан боғлиқ масалада ўзига хос медиамаданиятини шакллантиришга эҳтиёж мавжуд. Зеро ахборотни моҳият мазмуни инсонга таъсири ҳар қандай ўзга қуролдан ҳам хавфли эканлигини эътиборга олиш даркор. Интернет саҳифаларида ўз сайтларини яратаётган, ахборот тарқатувчилар юксак журналистик саводхонликка (қиёфа ва нотиклик санъатига) эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Замонавий мактаб таълимининг шаклланишида оиланинг шериклиги (аслида масъулияти, жавобгарлиги), яъни “оила ва мактаб: ота-она ва педагог тизими” тизими ўта муҳим аҳамият касб этади [7].

Биз таълим маърифатида миллий ўйғонишга эришиш учун боланинг ахлоқини тарбиялаш умуминсонийликдан миллийликка томон манфаатлар устуворлигига таянишимиз даркор. Билакс миллий маданиятни ва маърифатни ёшлар феъл-атворида тарбиялаш, маънавий меросга садоқатли ёшлар миллий Ренессансининг бошида турадилар. Ёшлар орасида маърифатпарварлик, унда китобхонлик маданияти, замонавий илм-фан, техника ютуқларидан хабардорлик

ёшларни ижтимоий ҳаётда бўлаётган воқеликка соғлом муносабатини маданий йўналишини белгилаб беришда кўмак беради. Оилада ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги жавобгарлиги тарбияда ахлоқий маърифатни оилавий анъаналарини тиклаш ҳам ижобий натижадорликни таъминлайди.

Адабиётлар

1. Бобахо В. А. Левикова С. И. Современные тенденции молодежной культуры: конфликт или преимущество поколений? // *Общественные науки и современность*. -1996. -№ 3. -С. 56-65.
2. Власюк И. В. Ситникова Е. Н. Субкультурная грамотность современного подростка как социально-педагогическая цель взаимодействия школы и семьи // *Известия ВГПУ*. - 2013. -№ 7 (82). -С. 71-75.
3. Левикова С. И. Молодежная субкультура – М.; Фаир - пресс, 2004. -608 с.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар -Т.: Ўзбекистон, 2000. -80 б.
5. Мирзахмедов А. М. Терпимость как исламская правовая культура// *Гуманитарий: актуальные проблемы гуманитарной науки и образования*. – 2017. –№ 1(37). –С. 36-44
6. Мирзахмедов А. М. Молодежная политика Республики Узбекистан: философский анализ // *Alma mater (Вестник высшей школы)*. –2018. –№ 6. –С. 33-37.
7. Мирзахмедов А.М., Мирзахмедов Х. А., Абдухоликова Н.А. Семейная жизнь в Центральной Азии: проблемы отцов и детей// *Кронос: общественные науки*. – 2021. –№2 (22). –С. 20–29.
8. Садовникова Н. О., Мирзахмедов А.М. Актуальные смысловые состояния педагогов, переживающих профессиональный кризис личности// *Образование и наука*. –2019. –Т.21. -№ 2. –С. 113-131.
9. Моисенко Л. В. Молодёжная субкультура: категория и реальность // *Известия ВГПУ*. -2012. -№ 1. -С. 85-89
10. Новиков В. Т, Новикова О. В. Техногенная цивилизация: концептуальные основания и тенденции динамики. *Журнал Белорусского государственного университета. Философия. Психология*. -2018. -№ 3. -С. 58–63.
11. *Субкультура*//<https://trends.rbc.ru/trends/social/64227d869a794732369b0efc>
12. *Ўзбекистон миллий энциклопедияси*. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. -540 б.
13. Указ Президента Республики Узбекистана «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительной сфере // <https://lex.uz/docs/3686283?twolang=1> (Сана: 2 апрель 2020 йил)
14. Эйзенштадт С. Теория культуры. Учебное пособие /Под ред. С.Н. Иконниковой, В.П. Большакова. - Спб.; Питер. 2016. -596 с.